



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KORRUPSIYAGA
QARSHI KURASHISH AGENTLIGI

YUKSALISH
UMUMMILLY HARAKAT




REGIONAL DIALOGUE
Branch Office in Uzbekistan



МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА КОРРУПЦИЯ ХАВФИ ВА НОҲАЛОЛЛИК ОМИЛЛАРИ

2020-2021



“ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ АНТИКОРРУПЦИЯ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ” ЛОЙИХАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

2020 йилнинг декабрь ойида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда таълим соҳасида коррупция хавфи ва ноҳалолликни баҳолаш бўйича республика миқёсида тадқиқот ўтказиш учун экспертлик лабораторияларини ташкил этиш лойиҳасини ишга туширди.

ЛОЙИҲА МАҚСАДИ:

Республика миқёсида коррупция хавфи ва ноҳалолликни баҳолашни тадқиқ этиш услублари ҳамда механизмларини яратиш, тадқиқотга кенг жамоатчиликни жалб қилиш. Ўрганишнинг биринчи босқичида болаларни мактабларнинг бошланғич синфига қабул жараёнида коррупция хавфини баҳолаш ишлари сўровнома, 14 та ҳудудда респондентларнинг учта гуруҳидан интервью ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилди.

АМАЛГА ОШИРИШ МУДДАТИ:

2020 йил декабрь — 2021 йил ноябрь

МАҚСАДЛИ ГУРУҲ:

Бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари, бошланғич синф ўқитувчилари, Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудидаги 114 та мактаб директорлари

НИМА ҚИЛИНДИ?

- ✓ Тадқиқот учун республиканинг барча ҳудудларидан 114 та мактаб танлаб олинди.
- ✓ Учта мақсадли гуруҳ учун сўровнома ишлаб чиқилди.
- ✓ Дастлабки вазиятли таҳлил тайёрланди.
- ✓ Тошкент шаҳридаги иккита мактабда учта гуруҳ респондентлар орасида пилот сўровнома ўтказилди. Бунда 81 респондент, шу жумладан 2 нафар директор, 24 нафар ўқитувчи, 55 нафар ота-она қамраб олинди.
- ✓ Ўзбекистоннинг 14 ҳудудидаги 114 та мактабда кенг миқёсли сўровномалар ўтказилди. Тадқиқот 28 та шаҳар, 31 та туман маркази, 31 та қишлоқ аҳоли пунктларини қамраб олди. Жами 4 920 нафар респондент қатнашди. Шундан 114 таси мактаб директори, 1 563 таси бошланғич синф ўқитувчилари, 3 243 таси биринчи синф ўқувчиларининг ота-оналаридир.
- ✓ Тўпланган маълумотлар тизимлаштирилди ва таҳлил қилинди.

Ушбу брошюра ўтказилган тадқиқот, респондентларнинг сўровнома саволларига жавоблари асосида аниқланган ва мактабнинг бошланғич синфига қабул жараёни ва умуман, таълим сифатига таъсир қилувчи умумий тенденциялар билан таништириш учун тайёрланди.

Брошюрада коррупция хавфи ва ноҳалоллик омиллари кўринишидаги беш асосий тенденция қисқа баён этилади. Булар: мактабга қабул, мактабни молиялаштириш, мактаб инфратузилмаси, мактаб ходимларининг ойлик маоши, касбдаги ноҳалоллик ва этика.

Тадқиқот методологияси, аниқланган барча муаммо ва хавфларнинг институционал ва ҳуқуқий асослари, респондентларнинг муаммолар ечими бўйича таклифлари, хулоса ва тавсиялар батафсил “Бошланғич мактабга қабул қилишда коррупция хавфи ва ҳалолликни баҳолаш” деб номланган якуний ҳисоботда тақдим этилади.

04 МАКТАБГА
ҚАБУЛ
бет

12 ШАФФОФЛИК ВА
МОЛИЯЛАШТИРИШ
ЕТИШАСЛИГИ
бет

18 ИНФРАТУЗИЛМА,
ЖИҲОЗЛАШ,
ТАЪМИНОТ
бет

24 КАСБДАГИ НОҲАЛОЛЛИК
ВА ЭТИКА
бет

31 МАКТАБ ХОДИМЛАРИНИНГ
ОЙЛИК МАОШИ
бет

МАКТАБГА ҚАБУЛ

Мактабга қабул ҳақида батафсил ва яхлит маълумотларнинг йўқлиги ҳамда қабул жараёни ҳақида барча манфаатдор томон учун қониқарсиз ахборот бериш коррупция хавфи ва ноҳалолликка доимий омил бўлади. Бу эса мактабга қабул жараёни иштирокчиларининг коррупциялашган ва этикага зид ҳаракат қилишига таъсир қилади. Бунда улар, одатда, аввалги шахсий ёки бошқалар тажрибасига таяниб ё ўзларини ўзлари назорат қилади ё англаган ҳолда шу ишга қўлга уради.

ТУШУНЧА

Мактаб ўқитувчилари орасида ўтказилган сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, 47% сўралганлар болаларни мактабга қабул тизими яхши ишлайди, деб ҳисоблайди. 25%ининг фикрича, тизим оқсайди, аммо умуман олганда, яхши ишлайди. Шу билан бирга, сўралганларнинг 72,3%и мактабга қабул қилишда асосий ва қўшимча квоталар тизими самарали эканини, 28%и эса аксинча эканини қайд этди. “Қабул жараёни самаралилиги қонунчилик даражасида етарлича тартибга солинганми?” деган саволга 52% респондент “ҳа” деб жавоб берган. Бунда 33% ўқитувчилар илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда ушбу тартиб такомиллаштиришни талаб этади, деб ҳисоблайди.

“Мактабга қабул қилишда ҳужжат топширишнинг қайси тизимини маъқуллайсиз?” деган саволга ота-оналарнинг жавоблари таҳлил қилинганда, уларнинг 46,1%и онлайн, чунки бу қулай ва вақтни тежашини,

қолган 15,3%и эса шахсан топширишини, чунки электрон тизимга ишонмаслигини ёки интернетдан фойдаланиш имконияти чекланганини айтди. Сўровномада қатнашган ота-оналарнинг 55%и қабул қилишда иккита квота мавжудлигидан хабардор, 45%и эса бундай тартибни билмайди. Бор-йўғи 17% ота-оналар қўшимча квотадан фойдаланган.


“Фарзандингиз асосий квота бўйича қабул қилиниши нима билан боғлиқ бўлди?” деган саволнинг жавобларига кўра, 26% ота-оналар яшаш жойи мактаб микроҳудудига қарашли бўлишига қарамай, боласини ушбу мактабга жойлаштириш учун ҳаракат қилган. 38,3% ота-оналар боласини атайин қўшимча квота бўйича жойлаштиришга ҳаракат қилган.

2020—2021 ўқув йилидан бошлаб барча вилоятларда жорий қилинган онлайн навбат тизими бўйича сўралган ота-оналарнинг 45%и бундан етарлича ахборотга эга эмаслигини, 28%и эса бу ҳақда умуман эшитмаганини билдирди. Шу сабабдан 76% ота-оналар фарзандини мактабга расмийлаштиришда онлайн навбат тизимидан фойдаланмаган. Шу билан бирга, 56% ота-оналар бу тизимни қулай, деб ҳисоблайди.

Қабул ва квота масаласида энг юқори қизиқиш умумтаълим мактабларининг директорлари орасида намоён бўлди. Тадқиқотнинг бошқа йўналишлари билан таққослаганда, респондентларнинг деярли 15%и мактабга қабул қилиш тизимини ўзгартириш таклифини берди. Масалан, Наманган вилоятидаги мактаб директорлари ўқувчиларни қабул қилиш учун жой етишмаган мактабларда қўшимча квотани бекор қилиш, бунда квоталарни мактаб имкониятидан келиб чиқиб белгилаш тарафдори эканликларини билдирди.

ОТА-ОНАЛАР ФАРЗАНДИНИ МАКТАБГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН БЎЛАРДИ? (%)

■ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ БИЛАН ГАПЛАШИБ ОЛИШГА УРИНГАН БЎЛАРДИ (РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ 22)
■ ДИРЕКТОР БИЛАН ТЎҒРИДАН - ТЎҒРИ ГАПЛАШИБ ОЛИШГА УРИНГАН БЎЛАРДИ (РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ 37)



ТАЖРИБА

Ўқитувчилар орасидаги сўров таҳлили шуни кўрсатдики, қабул фақат асосий квота бўйича амалга оширилиши лозим. Буни ёқлаб овоз берган респондентларнинг энг кўпи Сирдарё (50 %), Жиззах (26 %), Қашқадарё (18 %), Самарқанд ва Навоий вилоятларига (11 %дан) тўғри келди. Асосий квота зарур ва қўшимча квота ўрнига иқтидорли болаларни қабул қилиш керак, деб ҳисоблайдиган респондентларнинг кўпи Андижон (24 %), Сурхондарё (11 %) ва Бухоро (8 %) вилоятларига тўғри келди.

Ота-оналарнинг тажрибаси сўровномадаги “Болангизни 1-синфга жойлаштиришда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?” деган саволда ойдинлашади. Сўралганларнинг 22%и рўйхатдан ўтган яшаш манзили бўйича жой етишмаслиги муаммосига дуч келган. Бу муаммо Навоий (41%) ва Қашқадарё (28%) вилоятларида долзарб бўлиб турибди.

Таълим тилини танлаш муаммосини 18% ота-она қайд этган. Ушбу муаммо кўлами Самарқанд вилоятида 30%ни, Андижон ва Фарғона вилоятларида 26%ни, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 23%ни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, мактабга боришда тилни танлаш муаммоси қуйидаги ҳудудларда ҳам борлиги маълум бўлди: Сирдарё вилояти (8%), Сурхондарё (11%), Тошкент шаҳри, Бухоро ва Жиззах вилоятлари (12%).

Қизиқарлиси, сўровномада 59% ота-оналар боласини мактабга жойлаштириш учун норасмий йўллارни излаш зарурати йўқлигини билдирди. Бироқ шунга эътибор қилиш керакки, Сурхондарё (24,3%), Наманган (22%), Қашқадарё (21%) ва Андижон (20%) вилоятларида респондентлар норасмий йўллارни излашга ҳар доим тўғри келишини қайд этди. Бу республикадаги ҳар тўртинчи ёки бешинчи ота-она мактабга қабул жараёнида норасмий йўллارга мурожаат қилишини англатади.

БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК

Сўровномада турли даражадаги психологлар ва педагоглар билан суҳбатлашиш зарурати ҳақида барча ҳудудлардаги ўқитувчилар фикр билдирди. Бу мавзуда энг кўп изоҳ Бухоро (48,5%), Жиззах (33%), Хоразм (28%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (26%) ўқитувчилари томонидан қолдирилди. Уларнинг фикрича, айрим болалар мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олинмагани боис уларда мактабга ва жамиятга руҳан ва жисмонан етилмаганлик, мантиқий фикрлай олмаслик ҳолатлари яққол сезилади. Бундай изоҳлар болаларни мактабгача тайёрлаш зарурати борлигини тасдиқлайди. Ушбу мавзуда республиканинг тўққизта ҳудудидаги ўқитувчилар фаол бўлишди. Бунда энг юқори кўрсаткич Фарғона (38%), Андижон (37%) ва Хоразм (36%) вилоятларига тўғри келди.

Мактаб директорлари интервьюлар давомида оилада эрта ёшда ноқ болада мантиқий фикрлаш кўникмалари шакллантирилмаслиги ва ривожлантирилмаслиги ҳақида ҳам гапиришди. Мактабгача таълим ва бошланғич мактаб ўртасида алоқа сустлиги масаласи кўтарилди. Директорлар, шунингдек, ота-оналарнинг поликлиникалар томонидан бериладиган бола саломатлиги ҳақида расман тасдиқланмаган маълумотномаларни тақдим этишини таъкидлашди.

Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган мактабгача таълимнинг йўқлиги масаласига мактабга қабул жараёни нуқтаи назаридан коррупция хавфи ва ноҳалолликка омил сифатида қаралиши керак. На жисмонан, на руҳан, на дарсга боришга тайёр бўлган болалар, тиббий кўрикдан ўтиш зарурати бўлса-да, аввалгидек мактабга қабул қилинар экан, бу асосан, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаб директорларининг мажбурий тиббий кўрик тартибларини четлаб ўтиб, этикага зид ҳаракат қилишларига олиб келади. Боз устига, болани мактабга номутаносиб равишда, яъни ё микроҳудуд ё ёш чегараларига амал қилинмасдан қабул қилиш қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳар икки ҳолатда қабул қилишни рад этиб бўлмайди, чунки бу фундаментал конституциявий ҳуқуқ ҳисобланади, аммо натижада синфларда ўқувчилар сони меъёридан ошиб кетади ва дарсликлар етишмайди, ўқитувчилар ортиқча юклама билан ишлайди, табиийки, таълим сифати пасаяди.

Бундай ҳолатлар ҳатто кичик номутаносиблик ҳам коррупцион ва этикага зид хатти-ҳаракатга олиб келишига, давлат таълимининг сифати учун глобал оқибатларни чақиришига бир мисол, халос.

ШАФФОФ ҚАБУЛ

Сўровнома давомида аниқландики, ота-оналар, масалан, ўзлари танлаган мактабда қанча бўш жойлар ва синфлар борлигини билишни ёки кўришни истайди. Ўқитувчилар ҳам бундай очиқ ахборотга эга бўлишга ота-оналарнинг ҳаққи бор, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, мактабга қабул қилишда шаффофликни респондентларнинг учта гуруҳи ҳам қўллаб-қувватлади. Хусусан,

қабулнинг шаффофлиги ва маълумотлар очиқлиги таъминланишини сўровда қатнашган ота-оналарнинг 26%и маъқуллади. Бунда Самарқанд вилоятидаги ўқитувчиларнинг 11%и, Қашқадарё ўқитувчиларининг 10%и ва Бухоро ўқитувчиларининг 8%и қабул жараёнида шаффофлик таъминланиши тарафдори. Мактабга шаффоф тарзда қабул қилишни таъминлаш бошқа масалалардан кўра кўпроқ

зарурлигини умумий ҳисобда 3,7% директорлар ҳам маъқуллади. Эътиборлиси, ушбу масалада энг кўп таклифлар Самарқанд вилоятидаги мактаб директорларидан (14 %) келиб тушди. Мавзуга оид яна кўплаб изоҳлар Навоий, Фарғона, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мактаблар раҳбарлари (6-8 %) томонидан қолдирилди.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ:

Ўқитувчилар қабул жараёнига мувофиқ келувчи суҳбат асосида болаларнинг психологик, педагогик ва ёш жиҳатдан мактабга тайёрлигини аниқловчи усулларни жорий этишни талаб қилмоқда. Кўплари алоҳида таъкидладикки, болаларни мактабга мактабгача таълим муассасаларида тайёрлаш зарур. Шунингдек, мактабга қабул тизимини халқаро тажриба, шу жумладан рақамли технологиялар ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назорати асосида тубдан ўзгартириш бўйича жуда кўплаб таклифлар билдирилди.

Эътиборлиси, мактабга қабул тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар орасида боланинг таълим тилига қанчалик

тайёрлигини текшириш масаласига

Қорақалпоғистонда 73%, Тошкентда 14% ва Сурхондарёда 9% ўқитувчилар тўхталиб ўтди. Улар рус тилида таълим бериладиган мактабларда болаларнинг рус тилини билиш даражасини мустақил ва мажбурий синовдан ўтказишни йўлга қўйишни таклиф қилмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тил тўсиқларини бартараф этиш мақсадида “Бола тилни ўрганиши эмас, балки шу тилда таълим олиши керак” тамойили асосида иш кўриш тавсия этилмоқда.

Болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласида сўровномадаги ўқитувчи ва директорларнинг деярли ярми мактабга қабул қилишда мустақил тиббий комиссия тузишни таклиф қилмоқда. Мақсад – болаларни ишончли тиббий кўрикдан ўтказишни таъминлаш.

ХУЛОСАЛАР:

1. Қабул қилиш тартиби, квоталар мавжудлиги ҳақида ота-оналар етарлича хабардор қилинмаслиги, шаффофлик етишмаслиги, бошланғич синфларга тил бўйича саралашнинг аниқ талаблари

йўқлиги каби аниқланган муаммолар, таълим муассасаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, барча тоифа респондентлар томонидан кўп марта қайд этилди.

2. Халқ таълими органлари томонидан жойларда олиб борилган тарғибот ишларига қарамай, ўрганишлар натижаси шуни кўрсатдики, ота-оналар мактабга қабул қилиш тартиби, квоталар тизими (асосий ва қўшимча) ҳақида тўлиқ хабардор эмас. Бу йўналишда мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорликдаги ишлари самарасиз ташкил этилган ва эпизодик характер касб этади. Буларнинг бари номаъқул амалиётлар (коррупциявий ва этикага зид ҳаракатлар) юзага келишига имкон яратади.
3. Рус ва аралаш тилларда таълим бериладиган мактабларга қабул қилишда аниқ талаблар белгиланмаган, бу коррупция хавфи омилларидан биридир. Ваҳоланки, бундай мактабларга талаб юқори. Бошқа томондан, Халқ таълими вазирлиги аҳолининг ўзи танлаган тил бўйича таълим олиш эҳтиёжини қондиришни мақсад қилган, бироқ рус тилли синфларга болаларни қабул қилиш талаблари мавжуд эмас. Шу тариқа мактаб директори ўзининг мансабидан фойдаланиб, ота-оналар ёки юқори турувчи ташкилотларнинг босими остида қўшимча рус тилли синфларни очади. Натижада ота-оналарга тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб, мактаб маъмурияти билан норасмий қабул қилиш йўллари ҳақида гаплашишига имкон туғилади. Агар мактаб етарлича жиҳозланмаган ёки техник хизматларга эҳтиёжи бўлса, синфларда ўқувчилар меъёридан ошиб кетса, бюджетдан ташқари тўловларни, турли моддий ёрдамларни қабул қилишга мойил бўлади.
4. Оқибатда аксарият ота-оналар таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланиб, боласини дарслар она тилида олиб борилмайдиган синфларга жойлаштиришга ҳаракат қилади. Бу билан улар педагогларни болага аввал тил ўргатишига, кейин билим беришига мажбур қилади. Табиийки, бу бошланғич синфларда таълим сифатига салбий таъсир қилади ва кўпинча ўқитувчиларда, ўз она тилида ўқиётган болаларнинг ота-оналарида ажратилган дарс соатларидан унумсиз фойдаланиш бўйича ўринли норозиликларни келтириб чиқаради.
5. Болалар мактабга қабул қилинаётганда педагогик ва психологик тайёргарлик етишмаслиги юзасидан респондентлар фикрлари таҳлил қилинганда, болаларни мактабгача тайёрлашни ташкиллаштиришга зарурат борлиги ва ота-оналарнинг ўзларини педагогик тайёрлаш кераклиги аён бўлди.
6. Таълим муассасасига маълумотнома тақдим этиш учун болаларни мақсадли тиббий кўрикдан ўтказиш қулай ва тезкор ташкиллаштирилмаслиги коррупцияга имкон яратади. Ўз навбатида, болага нотўғри ташхис қўйилишига олиб келиши мумкин.
7. Тадқиқотга қамраб олинган мактабларда кучли ўқитувчилар борлиги сабабли у аҳоли орасида талабгир. Бу ҳақда ота-оналарнинг

жавоблари ва изоҳлари дарак бермоқда. Шу билан бирга, директорлар мактабларда малакали кадрлар етишмаслигини ва ёш мутахассислар мактабда ишлашни истамаслигини қайд этишган. Мазкур факт ҳам мактабга қабул қилишда коррупция хавфига омил бўлиши мумкин, яъни ота-оналар маъмуриятни касб этикасини бузган ҳолда болаларини қўшимча квотадан ошириб, кўпинча маълум бир ўқитувчининг синфига қабул қилишга мажбур қилади. Шундан синф ва мактабларда жойлар тўлиб кетади, ўрин етишмаслиги муаммоси пайдо бўлади.

8. Шундай қилиб, асосий ва қўшимча квотани шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва

болани мактабга қабул қилишнинг барча босқичларида ҳамда болани тил танлови бўйича тақсимлашда ота-оналар ҳамжамиятининг, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг, тор доирадаги мутахассисларнинг (психологлар, педиатрлар, дефектологлар) иштироки жуда паст экани кузатилади. Бу шаффофлик етишмаслиги ва тегишли давлат таълими ва мактабларни қуриш режаси йўқлигининг оқибатидир. Қолаверса, бу мактабларда молиялаштириш, асосий техник ва санитария шароитлари, дарсликлар ва ўқув материаллари етишмаслигига, синф хоналарининг тўлишига, ўқитувчиларнинг ортиқча юклама билан ишлашига ва умуман таълим сифати тушишига олиб келиши мумкин.

ТАВСИЯЛАР:

Мактабга ҳужжатларни онлайн қабул қилиш, асосий ва қўшимча квоталар, қабулнинг шаффофлиги, мактаб маъмуриятига босимлар, болаларнинг мактабга боришида психологик ва жисмонан тайёргарлиги, таълим тилини танлаш йўналишларида уч тоифа респондентлар (ўқитувчилар, бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари ва мактаб директорлари) орасида ўтказилган сўровнинг жавоблар таҳлили натижаларига кўра, хориж тажрибаси асосида қуйидаги чоралар тавсия этилади:

1. Мактабгача таълим муассасасидан бошланғич мактабга ўтиш, улар ўртасидаги алоқа, сифатни ўрганиш.
2. Умумтаълим мактабларида бошланғич синфларга онлайн қабул қилиш тартиби ҳақида ота-оналар жамоатчилиги хабардорлигини ошириш имкониятлари ва самарадорлиги бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ота-оналар ўртасида ва умумтаълим мактаблари маъмурияти иштирокида мактабгача таълим муассасаларида битирув гуруҳларини ташкил этиш, бошланғич синфларга қабул тартиби ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш.
4. Фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган ота-оналарнинг яшаш манзилларида 1-синфга қабул тартиби ҳақида мавзули мажлислар ўтказиш.
5. Фарзанди 1-синфга борадиган ота-оналар учун қабул қилиш тартиби, ҳужжат топшириш муддатлари, суҳбатлар ҳақида хабардорлигини ошириш мақсадида ҳар бир мактабларда Очиқ эшиклар куни ташкил қилиш.
6. Қўшимча квота бўйича расмийлаштиришда мактабнинг имкониятлари ва малакали педагоглар борлигини ҳисобга олиш.
7. Мактабга қабул қилишда шаффофликни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бунда, ота-оналар жамоатчилиги, маҳаллий ҳамжамиятлар вакиллари, тор мутахассислар (психолог, педиатр, дефектолог)нинг кенг иштирокини, болалар ва ота-оналар учун консультацияларни кўзда тутиш.
8. Психологлар ва бошқа зарур тор мутахассисларга бўлган эҳтиёжни танқидий ўрганиш ва барча умумтаълим мактабларини психолог-мутахассислар билан таъминлаш.
9. Болаларни таълим тили бўйича қабул қилишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бола учун она тили бўлмаган тилда ўқиш қийинчилик туғдиришини назарда тутиб, суҳбатлар ўтказиш, ундан сўнг натижага қараб мутахассислар бошчилигида қўшимча режали тайёрлаш зарур. Мақсад – бола бошланғич синфларда керакли билимни олиши ва педагоглар таълим стандарти бўйича берилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириши учун қийинчиликларни бартараф этиш.
10. Юқоридаги тавсияларни инobatга олиб, болаларни мактабга қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш, томонларнинг манфаатларини таъминлаш ва норасмий муносабатлар хавфи омилларини юзага келтирмаслик масаласини кўриб чиқиш.
11. Махсус тиббий маълумотномалар (086/У форма)ни беришнинг мавжуд тартибини танқидий ўрганиш ва тиббий кўриқдан ўтишнинг ҳаққонийлигини, қўйилган ташхиснинг ҳақиқатга

мувофиқлигини таъминлаш. Мактабга қабул жараёнида жойларда махсус тиббий кўрикни ташкиллаштириш имкониятларини кўриб чиқиш.

- 12) Мактабларни молиялаштиришнинг очиқлигини, шаффофлиги ва барқарорлигини ҳамда ресурсларнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш. Давлат таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янада самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва мактаб аҳтиёжи учун ота-оналарнинг ихтиёрий моддий кўмагини юридик томондан назорат қилиш.

- 13) Коррупцияга ва этикага зид ҳаракатларга олиб борувчи хавфлар омилларининг таъсирини камайтириш муҳим:

- қабул жараёнига тегишли норматив ҳужжатлардаги камчиликлар, номувофиқликлар ва мансабни суиистеъмо республиканинг барча ҳудудларида бошланғич мактабга қабул ҳақида ота-оналар тўлиқ ахборотга эга эмаслиги;
- асосий ва қўшимча квоталарни баҳолашга асосланиб, мактаб имкониятларини ноҳолис баҳолаш;

- ХТВ бошқармалари ва мактаблар ўртасида самарасиз, ноаниқ бўйсунуш занжири, вазирлик бўлинмаларда ҳаракатланиш эркинлигининг юқорилиги ва ҳисобдорлик, шаффофлик йўқлиги;

- ХТВ ва мактаблар ходимларига ҳалол ишлаш борасида ўқув машғулоти, амалиётлар ўтказилмаслиги, шаффофлик ва ҳисобдорликнинг холис механизмлари йўқлиги.

- 14) Барча халқ таълими ва мактабгача таълим сектори муассасаларини қамрайдиган очиқ маълумотлар ягона платформасини яратиш, унда ота-оналарга мактабга бормасдан туриб бошланғич мактабга онлайн қабулни амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқиш.

ШАФФОФЛИК ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЕТИШМАСЛИГИ

ТУШУНЧА

Мактабларни молиялаштиришга оид масалалар респондентларнинг барча тоифалари томонидан фаол муҳокама қилинди. Иштирокчиларнинг жавоблари таҳлил қилинганда, қуйидаги рақамлар ўз аксини топди: барча ҳудудлардан 71,5 % ўқитувчилар мактабнинг молиявий фаолиятига тегишли ахборотлар шаффоф ва ҳамма учун очиқ бўлиши кераклигини тасдиқлади. 45 % ўқитувчилар ХТБ ва мактабларнинг бюджети, молиялаштирилиши ҳақидаги ахборотларнинг шаффофлиги, тўлиқлиги ва очиқлигидан қониқмайди.

Мактабларнинг молиявий фаолияти очиқлиги масаласида ота-оналарнинг фикри қуйидаги тартибда фарқланди: 45% ота-она ижобий жавоб берди, бунда 26%и бундай ахборотни қаерда ва қандай қилиб олишни билмайди. Респондентларнинг 16%ини бундай ахборотларнинг очиқлиги унчалик қониқтирмайди, 13%ини эса умуман қониқтирмайди.

42% ота-оналар мактабларни давлат томонидан молиялаштиришни кам деб ҳисоблайди. 31% ота-оналар эса бу ҳақда ҳеч нима билмайди.

Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик мавзусида 11,3% мактаб директорлари ҳам фикр билдирди. Энг кўп фикрлар Фарғона ва Сирдарё вилоятларидан бўлди – 14%. Уларнинг таъкидлашича, ҳозирда мактаблар фаолияти билан боғлиқ молиявий ҳужжатлар шаффофлиги 10%га яқинлашган.


Маблағ етишмаслиги мактаб фаолиятида қисман таъминот учун норасмий тўловлар юзага келишига олиб келади. 47% ўқитувчилар ота-оналар томонидан уларнинг хоҳишига қараб мактаб моддий қўллаб-қувватланиши керак, деб ҳисоблайди. 26% ўқитувчилар бунга қўшилган, фақат харажатлар ҳақида ҳисоб берилишини ва улар очиқ бўлишини қайд этган. 19% респондент ота-оналарнинг молиявий кўмаги зарурлигини бир овоздан маъқуллаган.

МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА НОРАСМИЙ ТЎЛОВЛАР САБАБЛАРИ


ЎҚИТУВЧИЛАР




Мактаб эхтиёжлари учун етарлича маблағ ажратилмаслиги



Таълим тизими ходимларининг паст ойлик маоши




Халқ таълими бошқармалари ҳаракатлари сабабли маблағлар мактабгача етиб бормайди




Халқ таълими вазирлиги ва унинг бошқармаларида молиявий ҳисобдорлик тизими очиқ эмаслиги


ОТА-ОНАЛАР




Мактаб эхтиёжлари учун етарлича маблағ ажратилмаслиги



Таълим тизими ходимларининг паст ойлик маоши



Халқ таълими бошқармалари ҳаракатлари сабабли маблағлар мактабгача етиб бормайди



Халқ таълими вазирлиги ва унинг бошқармаларида молиявий ҳисобдорлик тизими очиқ эмаслиги

83,3% директорлар мактабнинг ота-оналар томонидан моддий қўллаб-қувватланишини маъқуллаган. “Агарда мактабда бюджет маблағлари етишмаса ва бу таълим самарасига салбий таъсир қилса, ота-оналар ихтиёрий моддий ёрдам кўрсатиши мумкинми?” деган саволга 114 нафар директорнинг деярли ярми бюджет маблағлари етишмаслиги сабабли ота-оналар ихтиёрий равишда мактабга моддий ёрдам кўрсатишини маъқуллади. 33 нафар директор ҳам мактабларга ихтиёрий ёрдам кўрсатилишига қўшилади, фақат ёрдам тизими шаффоф ва қонунчиликда белгиланган бўлиши даркор. 16 нафар директор таълим тўлиқ бепул бўлиши ва ота-оналардан моддий ёрдам қабул қилинмаслиги керак, деб ҳисоблайди.

Яна бир алоҳида жавоблар мактабларни молиялаштириш масаласини жиддий ўйлаб кўриш кераклигини кўрсатади. Масалан, улар орасида шундай изоҳлар бор: “Мен икки йилдан бери бюджетдан битта ручка ҳам олмадим. Мажбурликдан ёрдам сўраб, ота-оналарга мурожаат қиламан”. “Мактабларнинг молиявий ресурси етмагани сабабли ота-оналар ва ҳомийлардан ёрдам сўрашга тўғри келади”. “Мактаб бюджети тўлиқ мактаб томонидан шакллантирилиши керак”. “Қишлоқ мактабларига молиявий масалада жуда кам эътибор берилади”.

ТАЖРИБА

Сўровномада 12% ўқитувчилар мактабларда норасмий тўловларга эҳтиёж борлигини тасдиқлади. Кўпинча ота-оналар кўрсатган моддий ёрдам пуллари дарсликлар, ўқув қуроллари ва материалларига сарфланади деганлар 30%ни, мактаб ва синф


хоналарини таъмирлашга деганлар 22%ни ташкил этди. Ўқув дастурлари ва факультативлардан ташқари қўшимча машғулотларга сарфланади деганлар 17%ни ва маданий-маърифий тадбирлар (экскурсиялар, театрларга бориш)га деганлар эса 22%ни ташкил этди.

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР ФИКРИЧА, МАКТАБЛАРДА НИМАЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОР?

ЎҚИТУВЧИЛАР




ОТА-ОНАЛАР




Ўқитувчилар мактабларни бюджетдан молиялаштириш етарлича бўлмагани учун ота-оналарга моддий ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур. Бу ҳақда респондентларнинг 19%и маълум қилди. Ушбу жавобни энг кўп белгиланган ҳудудлар Қашқадарё, Тошкент ва Наманган вилоятларига тўғри келмоқда – 26%дан 36%гача. Энг кам Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Андижон вилоятлари белгиланган – 7%дан 11%гача. Шу билан бирга, 11 % ўқитувчилар бундай ёрдамга қарши. Айниқса, Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятларида бу қўллаб-қувватланмаган – 14,5 %дан 28%гача. Ушбу масалада энг кам фикр билдирган ҳудудлар Хоразм, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри – 2 %дан 7%гача.

Болани 1-синфга қабул қилишда мактабга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича берилган саволга ота-оналар шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, жавоб беришди. “Бирор бир хизмат кўрсатиш (таъмирлаш ишларида шахсан қатнашиш) кўринишида” ёрдам беришни 35% ота-оналар маъқуллаган. 70 %и мактабдан ёрдам сўралмаганини ва улар ҳам ёрдам бермаганини таъкидлашган. Бироқ мактаб ҳудудини ободонлаштириш ишларида қатнашганини 28% респондент тасдиқлади. Улар ўз изоҳларида мактабга ота-оналар томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши бўлган ва уларнинг истаги бўйича ва оиланинг моддий аҳволдан келиб чиқиб бўлиши керак. Фикрлар орасида “Мактабларнинг туганмас эҳтиёжлари ота-оналарнинг пул йиғишига олиб келаверади” дейилганлари ҳам учради.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИ (ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ, МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ҲҚ.) ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОТА-ОНАЛАР ЁРДАМИ ЗАРУРЛИГИНИ РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ СЎРВНОМАДА ҚАТНАШГАН ОТА-ОНАЛАРНИНГ 36%И ҚАЙД ЭТДИ



ота-оналар мактаб ва синфни таъмирлашга ота-она ёрдами кераклигини қайд этди



респондентлар қўшимча машғулотлар ва факультативлар учун ота-оналарнинг моддий ёрдами кераклигини айтди



ота-она мактабни жиҳозлашга, мебель, парда, маданий-маърифий тадбирлар, саёҳатлар ва экскурсиялар учун транспорт харажатларига ёрдам кераклигини қайд этди

“Мактабга моддий ёрдам кўрсатишингиз ёки рағбатлантиришингиз кераклигини қандай билдингиз?” деган саволга ота-оналарнинг 40 %и: “Менга тўғридан тўғри айтишди”, деган жавобни танлаган. Улар орасида энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятига – 82 % ва Сирдарё вилоятига – 50% тўғри келади. Энг паст кўрсаткич эса Навоий вилоятига – 13% ва Тошкент шаҳрига – 15% тўғри келди. “Бу ҳақда мендан ҳеч ким сўрамади, мен ўзим қабул жараёнини енгиллаштириш/тезлаштириш учун ёрдам қилдим”, деган жавобни 27% ота-оналар

танлаган. Бу жавоб энг кўп Тошкент шаҳрида – 50,5% ва Жиззах вилоятида – 46,5% белгиланган. Энг кам Навоий, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида белгиланган – 15 %дан 18 %гача.

23% ота-оналар ўша мактабда бу одатий амалиёт эканини бошқа ота-оналар/қариндошлар/дўстлардан билишган. Бундай жавоб вариантини белгиланган ҳудудлар орасида Навоий вилояти – 70% ва Қорақалпоғистон Республикаси – 45% етакчи.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ:

Интервьюлар давомида 33% мактаб директорлари ота-оналарнинг моддий ёрдамини қўллаб-қувватлашни, фақат бу маблағларни тақсимлаш ва ҳисоб бериш тизими шаффоф бўлиши, барча молиявий ахборотлар мактаб сайтида ёки ОАВда эълон қилинишини таъкидлашган.

Молиявий ёрдамларни ўзлаштириш қонуний ва тегишли норматив ҳужжатлар асосида бўлиши керак. Йиғилган маблағ устидан назорат ота-оналар Васийлик кенгаши томонидан олиб борилиши лозим.

Мактабларни давлат бюджетидан молиялаштирилишида самарасизликлар сабабларини ўрганиш таклиф этилмоқда.

Фикрлар орасида кунлик эҳтиёжни акс эттирувчи ва ихтиёрий ёрдам тарафдорлари ҳам бор: “Агар ота-оналар ўзлари ёрдам беришни исташса, бераверсин. Мактаблар эҳтиёжи жуда кўп, давлат уларни тўлиқ қопламайди (масалан, мел, супурги, кўчатлар, латталар, швабра, челаклар), ушбу инвентарлар эскиради ва синади”.

Яна бир фикрда қашқадарёлик директор унинг мактаби таъмирлаш дастурида 2005 йилдан буён навбатда турганини айтган.

Ечим сифатида ота-оналар ўқитувчиларнинг маошини оширишни (32%) ва мактаб таъминоти учун етарли маблағ ажратишни (16,5%) таклиф этмоқда. Маош масаласида ўқитувчиларнинг 51%и, мактаб таъминоти масаласида 12 %и таклиф билдирган.

ХУЛОСАЛАР:

ХТВ, унинг бошқармалари ва мактаблар фаолиятида молиявий ресурслар ва уларнинг харажатлари шаффофлигини таъминлаш, кўрсатилган муаммоларга тегишли кун тартибидаги кўплаб саволларни олиб ташлаган бўларди.

1. Мактаблардаги молиявий тизим етарлича шаффоф эмас. Унда директорлар, умуман солиқ тўловчи ўқитувчилар иштироки чекланган. Таълим муассасаларининг молиявий фаолияти ҳақида жараён

субъектларини хабардор қилиш бўйича ишларнинг самараси йўқ. Молиялаштиришда шаффофликни ва самарадорликни таъминлаш учун ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган, PETS механизми ва самарадорликни баҳолаш имконини берувчи бошқа замонавий электрон ечимлар жорий этилган очиқ маълумотлар электрон тизимини ишлаб чиқиш ҳамда турли молиялаштириш моделларини оптималлаштириш тавсия этилади.

2. Респондентларнинг ҳар учала тоифаси жавобларида бюджетдан ажратиладиган маблағлар мактабларнинг ўзига етиб бормайди, деган тушунча сезиларли даражада акс этган. Бунга халқ таълими тизимининг молиявий бўлинмалари ҳаракатлари, маблағларни таълим муассасалари ўртасида реал эҳтиёж асосида тенг тақсимлашда ноҳолислик сабаб. Бу эса томонларни манфаатлар тўқнашувига олиб бориши айтилган.
3. Мактаблар ўртасида маблағларни тақсимлаш ҳақида очиқ маълумотлар ва шаффофлик механизми йўқлиги таълим тизимида, ХТВ ва мактаблар фаолиятига ишончсизлик ошишига олиб келади. Бундай салбий тушунча мустаҳкамланиб қолиши, шунингдек, мактаб эҳтиёжлари учун норасмий тўловларни тўлашга ёки олишга мажбур бўладиган хоҳ мактаб директори, хоҳ ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан бўлсин, этикага зид ва коррупциявий хатти-ҳаракатнинг оддий ҳолга айланишига олиб келади.
4. Моддий-техник база ҳолати (таъмирлаш, ободонлаштириш, қўшимча ёритиш)нинг ҳақиқий таҳлили йўқлиги, молиявий ресурслардаги камчиликлар қатор муаммоларни юзага келтиради. Жумладан, харажат воситалари (канцтоварлар, техникалар) таъминоти, қўшимча дарсликлар ва қўлланмалар, ўқув ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш (тўғараклар, факультатив машғулотлар, маданий-маърифий тадбирлар)да ота-оналар, ўқитувчилар ва директорларни бюджетдан ташқари тўловларга ва баъзида шахсан хизмат кўрсатиш кўринишида этикага зид ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилади.
5. Юқорида қайд этилган камчиликлар таълим муассасалари маъмуриятини ота-оналар ва ҳомийлардан ёрдам олишга мажбур қилади. Чунки ҳар бир раҳбар ўз муассасасида яхши шароитлар яратишга интилади, бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш ва жамғаришда норматив ҳужжатларнинг самарасиз қўлланилиши, ўз навбатида, ўғирликка ва коррупцияга олиб келади.
6. Тўлдирилган сўровномалар ва интервьюларни таҳлил қилишда экспертлик гуруҳи шундай хулосага келди: мактаблардаги норасмий тўловлар айнан коррупция хавфи эмас, балки мактабларни молиялаштиришда бюджет маблағларининг етишмаслиги оқибатидир.
7. Қайд этилган хавфларни камайтириш учун тўловларнинг ихтиёрийлиги, шаффофлигини ва уларнинг сарфланишида ҳисобдорликни таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш ва жорий

ТАВСИЯЛАР:

1. Самарасизлик сабабларини ўрганиш, шаффофликни таъминловчи молиялаштириш тизимини, ажратилаётган ресурсларнинг етарлилигини ва уларни режалаштириш ва амалга оширишда мактаб маъмурияти, ота-оналарнинг иштирок этишдаги ҳуқуқини кўриб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиш.
2. Молиявий ресурсларни таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ҳолатини ҳаққоний таҳлил қилган, ҳаққоний нархлар ва харажатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш.
3. Бюджетдан ташқари маблағларни йиғиш ва ишлатиш зарурати сабабларини аниқлаш ва танқидий таҳлил қилиш. Таҳлил асосида томонлар ҳуқуқи ва масъулиятини таъминловчи керакли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.
4. Ажратилган бюджет маблағларини сарфлаш бўйича билим ва кўникмаларни ошириш мақсадида мактаб директорларини ўқитиш, мактабнинг молиявий фаолияти ҳақида ота-оналар кенгашини доимий хабардор қилиб бориш чораларини кўриш.
5. ХТВ ва унинг бошқармалари даражасида мактабларнинг ҳам бюджетини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳақида очиқ ва шаффоф маълумотлар платформаларини яратиш имкониятларини кўриб чиқиш.
6. Ота-оналар томонидан мактабга кўрсатиладиган моддий ёрдам бериш ҳамда мактабларнинг бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятларини назорат қилувчи ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш.
7. Давлат органлари томонидан ўғриликларга қарши ижтимоий нормаларни ўзгартириш бўйича чоралар кўриш имкониятларини кўриб чиқиш, токи бунга “оддий ҳолат”дек қаралмасин ҳамда ХТВ ва мактабларда ноҳалоллик, этикага зид ҳаракатлар хавфининг олдини олувчи тизимни ташкил қилиш, бунда Ҳалоллик режалари, Этика кодексларидан фойдаланиш ва касбий ноҳалоллик ва хавфларни бартараф этиш бўйича тренинглари ўтказиш.

ИНФРАТУЗИЛМА, ЖИҲОЗЛАНИШ, ТАЪМИНОТ

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ: МАКТАБЛАРДА МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЎҚУВЧИ ЎРНИ ЕТИШМАЙДИ


(2021–2022 ўқув йили)

Ўқувчи ўрни


5 154 501

Ўқувчилар сони

6 246 491




Мактаблар



1,2 Тулганлик
коэффициенти

10 130

ЎҚУВЧИЛАР МЕЪЁРИДАН
ОШИБ КЕТГАН ХУДУДЛАР:



Уч тоифа респондентлар жавоблари (сўровнома ва фикрлар) ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, таълим муассасаларининг мавжуд инфратузилмасида қатор муаммолар юзага чиқди. Айниқса, ўқувчи ўрни етишмаслиги устунлик қилмоқда. Бу квоталар бўйича квота ва жой сиғими имкониятлари, синф хоналари, мактаб, демографик жиҳатлар инфратузилмаси ҳисобга олинмаслиги билан боғлиқ.

Шунингдек, жавобларда куз-қиш мавсумида мактабларда иссиқлик таъминоти йўқлиги, баъзи ҳолларда

санитария шароитлари (сув, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун ҳожатхоналар ва ҳк.) етарли эмаслиги, сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлиги, кўплаб мактаблар ишончли ва тезкор интернет тармоғига уланмаганлиги муаммолари қайд этилган.

Респондентларнинг 50 %дан ортиғи бошланғич, ўрта ва юқори синфлар кесимида мувофиқ мактаб мебеллари, ўқув дарсликлари ва қўлланмалар, шу жумладан ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, канцелярия моллари ва жиҳозлари, техник ёритиш етишмаслигини айтишган.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳузурида 2-4 штат бирлигида, мобил бўлинмалари билан ташкил этилган халқ таълими муассасалари бино ва иншоотларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлимлари бугунги кунда таълим муассасаларининг кундалик эҳтиёжини тўлиқ қопламайди. Чунки улар сони кам ва мактаблар орасидаги масофа узоқ.

Таълим муассасаларининг инфратузилмалари, коммунал хизматлари тўловлари (электр энергияси, газ, сув таъминоти, интернет, телефон алоқаси), асбоб-ускуна ва жиҳозлар олиш учун бюджетнинг 4 та қисми бўйича маблағ ажратилмоқда. Маблағлар чеклангани боис улар ҳозирда асосан, коммунал харажатларини ва айрим ҳолларда жиҳозланиш харажатларини қопламоқда.

Таълим муассасаларининг инфратузилмаси масаласи ўқитувчилар фикрлари орасида иккинчи ўринда турибди. Ресурслар, жиҳозлар, инфратузилмалар етишмаслигини кўпроқ Фарғона вилояти – 55%, Жиззах вилояти – 38%, Сурхондарё вилояти – 11%, Наманган вилояти – 6,7% ўқитувчилари қайд этди. Синф ўқувчиларининг меъеридан ортиши масаласи ҳам ўқитувчилар изоҳларида ўз аксини топди. Жумладан, Наманган – 42%, Андижон – 22%, Фарғона – 10%, Сурхондарё – 15% (энг юқори кўрсаткич) вилоятларида ушбу масала долзарб бўлиб турибди.

Ота-оналарнинг 22 %и, бу ҳар бешинчи ота-она дегани, фарзандини яшаш манзилидаги микроҳудуд квотаси бўйича мактабга жойлаштира олмаган, чунки жой бўлмаган. Бу муаммонинг энг юқори кўрсаткичлари Навоий вилоятида – 41%, Қашқадарё вилоятида – 28% қайд этилди.

Директорларнинг 90 %га яқини аҳоли сони ўсаётган бўлса-да, янги мактаблар қурилиши жиддий ортда қолаётганини қайд этган. Айтиш ўринлики, мазкур тадқиқотга қамраб олинган 114 та мактаб иккита сменада фаолияти юритиши маълум бўлди.

Мактаблардаги етишмовчиликлар қаторида ота-оналарнинг 23 %и яхши жиҳозланмаганлик, мебеллар ва ускуналар етишмаслигини ҳам қайд этди: Қашқадарё вилоятида – 44,5%, Тошкент вилоятида – 41%, Бухоро вилоятида – 32%.

Иссиқлик таъминоти сустиги ёки умуман йўқлигини 114 та мактабдаги сўровномада қатнашганларнинг 17,4 %и (тахминан 20 та мактаб) маълум қилди: Самарқанд вилояти – 30%, Навоий вилояти – 28%, Бухоро вилояти – 25,5%, Қорақалпоғистон Республикаси – 23,2%. Ичимлик суви ва санитария шароитлари йўқ дейилган мактаблар 9 %ни (республика бўйича 1 100 та мактаб) ташкил этмоқда.

Сўровномада қатнашган ҳар ўнинчи директор мактабларнинг моддий ресурси билан боғлиқ муаммоларни кўрсатди. Бу муаммо Жиззах вилоятида 15,5% ҳолатда

Ўқитувчилар фикрича, халқ таълими тизимида бюджетдан ташқари маблағлар йиғилишига сабаб, туман ёки шаҳар ХТБнинг марказий бухгалтерияси айби билан маблағлар мактабнинг ўзигача етиб келмайди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 27%, Хоразм – 20%, Навоий ва Тошкент – 20%, Андижон – 18%, Жиззах – 16%, Қашқадарё – 14%, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида 12% ўқитувчи шундай фикрда.

Ушбу тенденцияга ота-оналарнинг (Навоий вилоятида 36% ва Қорақалпоғистон Республикасида 17%) фикрича, мактаб бюджетини шакллантириш ва ижроси устидан маъмурий назорат йўқ. Туман ёки шаҳар ХТБнинг бухгалтерияси айби билан маблағлар мактабнинг ўзигача етиб келмайди (республика бўйича 11,3%) ёки мактаблар умуман

молиялаштирилмайди (Тошкент вилоятида 33%, Қорақалпоғистон Республикасида 22%, Тошкент шаҳрида 21%, Фарғона 17%, Наманганда 16% ва Сурхондарё вилоятида 15%).

Дарсликлар билан таъминлаш масаласида республика бўйича 13% ўқитувчилар дарсликлар етишмаслигини кўрсатган. Энг кўп Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида – 22%, Қорақалпоғистон Республикасида – 21%, Самарқанд вилоятида – 20,5% ушбу муаммо бор. Шунингдек, 12% ота-оналар дарсликлар етишмаслигини қайд этган (Навоий вилоятида – 25%, Сурхондарё вилоятида – 22%, Фарғона ва Хоразм вилоятларида – 18%дан).

114 та мактаб директорларидан бештаси дарсликлар билан таъминлаш тизимини ўрганишни таклиф этган.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ:

Қашқадарё вилоятида 63%, Хоразм вилоятида 51%, Бухоро вилоятида 44%, Қорақалпоғистон Республикасида 43%, Фарғона вилоятида 38%, Навоий вилоятида 34%, Тошкент шаҳрида 33%, Андижон ва Сирдарё вилоятларида 32%, Наманган вилоятида 26%, Сурхондарё вилоятида 25% ўқитувчилар синфларда ўқувчилар сонининг меъёридан ортиб кетиши уларнинг сифатли ишлашига ҳалақит қилаётганини қайд этган.

114 нафар директорнинг 77 та изоҳида уларнинг мактаби ҳудудида

аҳоли талаби ортиб бораётгани учун қўшимча бинолар қурилиши, мавжуд бинолар таъмирланиши кераклиги ёзилган.

8 нафар директор мактаб ота-оналардан мустақил бўлиши кераклигини айтди. Мактабга давлат таъминоти етмаган тақдирда, раҳбарлар таъмирлаш, принтер, техник хизматлар ва бошқа кундалик эҳтиёжлар учун маблағларни ўзлари излашига тўғри келади. Бу муаммога Васийлик кенгаши ёрдамида ҳам самарали ечим топиш мумкин. Агар ота-оналар мактабга кўрсатилаётан ёрдамларни кўзи билан кўрса ва бошқарса, ҳаммаси шаффоф бўлади.

ХУЛОСАЛАР:

1. Аҳоли сони ўсишининг, турар жойлар қурилишининг аниқ прогнози йўқлиги боис мактабларда ўқувчилар сифими, яшаш манзили бўйича ўқувчилар ўрни етишмаслиги муаммолари юзага келади.
2. Республиканинг 70% мактаблари икки ва ундан ортиқ сменада ишламоқда, бу эса ўқув-тарбиявий жараёнлар учун яхши шароитларга, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатига кафолат бермайди.
3. Микроҳудудда аҳоли сони ўсиши қўшимча синф хоналарини ташкил қилишга олиб келади. Бунда ўша синфларда зарур мебеллар, техник жиҳозлар (парталар, стуллар, кийимлар ва китоблар учун шкафлар, доскалар, шу жумладан электрон доскалар), проекторлар ва ҳатто мел бўлмаслиги мумкин. Бу параллел синфлардаги шароитлар билан нотенгликни келтириб чиқаради ва мактаб маъмурияти, ота-оналар томонидан этикага зид ҳаракатларининг омили ҳисобланади. Тизимли даражада эса инфратузилма муаммоларини қайд этиш зарур: ичимлик суви, иссиқлик, санитария шароитлари йўқлиги ва Интернетга уланмаганлик.
4. Мактабларнинг моддий таъминоти масаласида ота-оналар, ўқитувчилар ва директорларнинг тушунчаси шуни кўрсатдики, мактабларни молиялаштириш ва ХТВ, унинг бошқармалари томонидан бюджетдан фойдаланишда шаффофлик йўқлиги, шунингдек, мактабларни эҳтиёжларга таянмай, самарасиз молиялаштириш таълим сифати тушишига сабаб бўлади. Бу тизим даражасида коррупция хавфи ва ноҳалоллик омилidir ва ушбу жараённинг иштирокчилари (ота-оналар, ўқитувчилар, директорлар) бўлган барча уч томоннинг бюджетдан ташқари маблағлар (норасмий тўловлар)дан фойдаланиб, этикага зид ҳаракат (кўпроқ коррупциявий) қилишига провакация қилади.
5. Агар Самарқанд вилоятида 1 100 га яқин мактаб бўлса, ҳудуддаги 20,5% ўқитувчиларнинг дарсликлар етишмаслиги билан боғлиқ тажрибаси этикага зид ҳаракат (кўпроқ коррупциявий) га олиб борувчи коррупция ва ноҳалоллик хавфи омилidir. Бу ота-оналар томонидан норасмий (қонунда назарда тутилмаган) тўловлар ёрдамида зарур дарсликларни (ёки уларнинг нусхаларини) эркин сотувда йўқлиги боис харид қилишида намоён бўлади. Тизимли даражада бу таълим сифатини ҳам (агар оила моддий қийин аҳволда бўлса), ота-оналар ва ўқитувчилар томонидан давлат таълимига ишончни ҳам пасайтиради.
6. Мактаблар эҳтиёжлари етарлича молиялаштирилмаслиги, бу жараённинг шаффоф эмаслиги мактаб бюджетини

режалаштириш ва ижро тизимига ишончсизлик, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида нотўғри фикрлар пайдо бўлишига олиб келади. Бунга ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан маълум қилинган тадқиқотдаги маълумотлар далил бўла олади.

7. Директорлар жавобларига кўра, маблағ етишмовчилиги нафақат харажатга, балки молиялаштиришда таъмирлаш

ишлари кўзда тутилмаслигига боғлиқ. Таъмирлашга ишчиларни ёллашга ёки ота-оналарга юзланишга тўғри келади. Ота-оналар ёрдам берадиган бўлса, албатта фарзандининг баҳосини кўтаришни сўрайди. Бу ҳам этикага зид ҳаракатдир.

ТАВСИАЛАР:

Юқорида қайд этилган фактлар асосида, хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мактаблар инратузилмасини (санитар, иссиқлик тизими ва Интернет) тубдан яхшилаш ва зарур мебеллар, ускуналар, инвентарлар, дарсликлар, методик қўлланмалар, канцелярия моллари ва техникалар билан таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўриш тавсия этилади:

1. Статистика ва маҳаллалар маълумотларига таяниб, ҳудудни зарур ўқувчи ўрни билан таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблар жойлашуви кесимида имкон қадар аҳоли ўсишининг аниқ прогнозини шакллантириш ҳамда мактаблар синфларига ўқувчилар сиғимини ва ҳар бир синфга тўғри келадиган

аҳоли ўсишини алоҳида ҳисоблаш.

2. Маҳаллий аҳоли ўсишининг узоқ муддатли прогнозини инobatга олиб, умумтаълим мактабларининг кўп таклифдаги намунали лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунда мактабларнинг географик жойлашуви ўзига хосликларини ва жаҳон тажрибасини эътиборга олиш.
3. Мактаблар қурилишини аҳоли сонининг истиқболдаги ўсишининг аниқ прогнози асосида амалга ошириш, дунё амалиётида бўлгани каби ушбу ҳудудда аҳолининг кутилмаганда ўсиш ҳолатида мобил модул блокларини кўзда тутиш.

4. Умумтаълим мактабларининг иссиқлик ва сув таъминоти ҳолатини текшириш. Текширув натижаларига мувофиқ, уларни куз-қиш мавсумида иссиқлик ва сифатли ичимлик суви билан доимий таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
5. Мактабларни кенг полосали юқори тезликдаги Интернет билан таъминлашнинг аниқ чораларини кўриш.
6. Мактабларни жиҳозлаш, мебеллари, канцелярия ва хўжалик молларини янгилаш бўйича ҳаққоний харажатлар, эҳтиёжлардан келиб чиқиб мониторинг ўтказиш ҳамда мактаб бюджети харажатларига мувофиқ, ҳаққоний молиявий таъминлаш чораларини кўриш.
7. Келажакда қуриладиган мактаблар биносини лойиҳалаштиришда шаффофлик бўлиши, етарлича ўқувчи ўрни яратилиши, бунинг учун ажратилган бюджет маблағлари сарф-харажатлари бўйича жамоатчилик билан келишув ва жамоатчилик назоратини мажбурий таъминлаш.
8. Мактабларни дарсликлар билан таъминлаш самарадорлигини хориж мамлакатларининг илғор тажрибалари асосида баҳолаш.
9. ХТВ ва унинг бошқармалари даражасида бўлгани каби мактабларда ҳам мактаб бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш ҳақида очиқ маълумотлар платформасини яратиш икониётларини кўриб чиқиш.
10. Ота-оналар томонидан кўрсатилган моддий ёрдам ҳамда бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятларини назорат қилишнинг ҳуқуқий

КАСБДАГИ НОҲАЛОЛЛИК ВА ЭТИКА

Ўтказилган тадқиқот мактабга қабул қилишда мактаб ходимларининг касбидаги ҳалоллик ва ота-оналарнинг этик ҳаракатлари тушунчалари уч тоифа респондентлар орасида шуни кўрсатдики, ҳужжатлар топшириш жараёни ҳақида ота-оналар хабардорлигини ва болаларининг дарслардаги ўзлаштиришига масъулиятини оширишга катта зарурат бор.

Ўқитувчилар ва мактаб ходимларининг касбий этика қоидалари ота-оналарнинг маълум бир хатти-ҳаракатлари, масалан, ўқитувчиларга босим ўтказмаслик, уларни касбий этикага зид ҳаракат қилишларга (айниқса, босим пайтида) мажбурламаслик ёки бошқа усулларни қўлламасликни талаб қилади. Бунинг учун икки томон этика ва этикага зид ҳаракатлар талаблари ҳақида билиши ва муносабатлар механизми зарур. Бу айни вақтда мавжуд эмас.


Мактабларнинг этика кодекси низомида маъқулланган ўқитувчилар ва маъмуриятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалиётда бажарилмаяпти, чунки улар этика муаммолари таҳлилсиз киритилмоқда. Ишда этика зиддиятлари бўйича зарур тренинг ва маслаҳатлар ўтказилмайди, этика ва ҳалоллик борасида институционал етакчилик (юқори турувчи ташкилотларнинг этик ҳаракатлари мисолида) ҳамда этикага зид ҳаракатларнинг мониторинг механизмлари йўқ, огоҳлантириш ва жарималар қўлланмайди. Бундан

ташқари, ота-оналарда этика тушунчаси бошқа ота-оналарнинг тажрибалари ва кузатишлардан шаклланади.

ТАЖРИБА

Мактабларда сўровнома ўтказиш босқичидаёқ респондентлар фикридан шу маълум бўлдики, ота-оналарда ўз фарзандларининг ўқишига масъулият билан қараш даражаси паст, уларнинг этикага зид ҳаракатларга йўл берувчи ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятига таъсирини жазоламаслик муаммо ҳисобланади, ўқитувчилар маоши камлиги ва малакали кадрлар етишмаслиги ҳам бундан мустасно эмас. Сўровномада республиканинг 12 та ҳудудидан қамраб олинган ўқитувчилар халқ таълими тизимидаги камчиликлар ҳақида гапирар экан, ота-оналарнинг фарзандини ўқитишидаги масъулиятини, уларнинг паст ҳуқуқий саводхонлигини, мактаб ва ота-она ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ошириш заруратини қайд этишди. Бундай фикрлар Сирдарё ва Наманган вилоятларида 32% ҳолатда, Фарғона ва Хоразм вилоятларида 29% ҳолатда, Бухоро вилоятида 27% ҳолатда учради. Яхлит ҳолатни қуйидаги графикада кўриш мумкин:

ОТА-ОНАЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАКТАБ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДА ЎҚИТУВЧИЛАР ФИКРИ:



Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг жавоблари ота-оналар, маъмурият ёки юқори турувчи органлар томонидан турли даражадаги босимлар борлигини кўрсатди: Андижон вилоятида - 20%, Наманган вилоятида - 13%, Тошкент шаҳрида - 10%, Қорақалпоғистон Республикасида – 1,6%. Коррупцияни йўқотиш керак, деган ўқитувчилар кўрсаткичи қуйидагича: Сурхондарё вилоятида – 23%, Қашқадарё вилоятида – 12%, Тошкент шаҳрида - 7%, Қорақалпоғистон Республикасида - 4% ва Андижон вилоятида – 1,2%.

орқали ва пул ёки хизмат кўрсатиш билан ҳам таъсир кўрсатиши мумкин, деган жавобни белгилаган.

Ота-оналарнинг фикрича, ўқитувчининг ўқувчига ижобий муносабатда бўлишига яхши ўқиш, ўзини тутиши ва ота-оналар ёрдамида таъсир кўрсатиш мумкин. 30% ота-оналар ўқитувчининг ўқувчиларга муносабати ҳеч нимага қарамай, тенг бўлиши керак, деб ҳисоблайди. 20%га яқини ўқитувчига совғалар ва рағбатлар таъсир кўрсатади, дейишган.

ОТА-ОНАЛАР:

“Ўқитувчининг ўқувчига ижобий муносабатда бўлишига қандай таъсир қилиш мумкин?” деган саволга сўралган ўқитувчиларнинг ярмидан кўпи (57%) “мактаб ва синф ҳаётида фаол иштирок этиб” дея жавоб берган. 12% га яқини ота-оналар ўқитувчи/директорга мансабдор дўстлари/қариндошлари

Тошкент шаҳридан билдирилган фикрларнинг 30%га яқини шундай хулоса бердики, агар болани ота-оналар ва ўқитувчилар ўзаро ҳамкорликда тарбияласа, ўқишда ва хатти-ҳаракатларда муаммолар юзага келмайди. Фикрлар орасида шундайи ҳам бор: “Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан табақалашган муносабати мавжуд: кимдир мактабни моддий

қўллаб-қувватлайди, кимдир яхши ўқийди”.

1,5% ота-оналар касбий этикага зид ҳаракатларни юқори ташкилотлардан бошлаш керак, деб ҳисоблайди. 2,6%ининг фикрича эса ўқитувчи ва директорларга халқ таълими бошқармалари ва мансабдор шахслар томонидан норасмий босим ўтказиш имкониятларини (шу жумладан, бундай


босимлар ҳақидаги шикоятларни самарали кўриб чиқиш тизими ёрдамида) бартараф этиш керак. Ота-оналарнинг 5%га яқини ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг этик хатти-ҳаракатлари қоидаларини жорий қилишни ва қоидаларни бузган тақдирда жазо қўллаш кафолатини таклиф этмоқда.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ ДЕЯРЛИ ҲАР ЎНИНЧИ ДИРЕКТОР ОТА-ОНАЛАР ВА ҲАР ЎНИНЧИ ДИРЕКТОР ЮҚОРИ ТУРУВЧИ ОРГАНЛАР, ШАХСЛАР ВА ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БОСИМИГА ДУЧ КЕЛАДИ

9% ДИРЕКТОРЛАРГА КЎРА, ОТА-ОНАЛАР ТОМОНИДАН БОСИМ ЎТКАЗИЛАДИ. ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛИ ХУДУЛАР:



8% ДИРЕКТОРЛАРГА КЎРА, ТАЪЛИМ СОХАСИДА ЮҚОРИ ТУРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН БОСИМ ЎТКАЗИЛАДИ. ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛИ ХУДУЛАР:



Директорлар ўз интервьюларида шахсий қарорлари устидан ҳам таъсир ёки босим ўтказиш ҳолатлари бўлишини ҳам айтишди. Айримларига кўра, юқори турувчи инстанциялар томонидан уларнинг ваколатига кирмайдиган ёки умуман таълимга алоқаси бўлмаган вазифалар берилади.

Ўқитувчиларни ҳокимликларнинг соҳага оид бўлмаган маданий тадбирларига жалб қилиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Фикрларга эътибор қаратамиз: Директорнинг шахсий қарорига юқори турувчи органлар таъсир кўрсатади”. “Қонун устуворлиги деярли мавжуд эмас”. “Ўзбекистонда таниш-билишчиликни йўқотиб бўлмайди”. “Агар мактаб директори ҳалол бўлса, унинг қатъий қарорига ҳеч нима тўсқинлик қилолмайди”. “Мен qabul.maktab онлайн навбат тизими орқали ўқувчиларни қабул қилдим, лекин синф раҳбарини танлаш жараёнида босимлар бўлди”. “Ота-оналар ўз хатти-ҳаракатлари учун умуман жазоланмайди”.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ:

Таълим сифатини ошириш учун сўровда қатнашган ўртача ҳар бешинчи ўқитувчи ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги болаларни тарбиялашда ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини кўрсатди. Уч ўқитувчи ота-оналар учун мактаблар ташкил этишни таклиф қилди, чунки уларнинг паст саводхонлиги ва ўқишга жалб қилиниши болаларнинг ўқув натижаларига салбий таъсир қилади, таълим сифатининг пастлиги эса респондентларнинг учта тоифаси ўртасида ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлувчи хатти-ҳаракатларнинг юзага келишига бевосита таъсир қилади.

Самарқанд (10 фоиз) ва Жиззах (2,7 фоиз) вилоятларидаги ота-оналар ҳам ота-она масъулиятини ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

Касбий этикани тарғиб қилиш учун ота-оналарнинг ўртача 40 фоизи ўқитувчиларнинг касбий мавқеини ошириш керак, деб ҳисоблайди, 20 фоизи эса ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти ходимларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминотни ошириш орқали ҳалоллик яхшиланади, деб ҳисоблайди, бошқа 20%и эса мактаблар инфратузилмаси ва жиҳозланишини яхшилаш мактаб ходимларининг ҳалоллигини яхшилашига ишонади.

Қабул вақтида директорлар учун босим ҳақида аноним хабар беришлари учун “Ишонч телефони”ни йўлга қўйиш.

Мактабга босим ва таъсир кўрсатадиган ташкилотлар сонини камайтириш зарур. Жазо директорга ёки қабул комиссиясига таъсир қилганларга нисбатан қўлланилиши керак.

Таъсир ва босим кўрсатишни йўқ қилиб бўлмайди, лекин қонун тўлиқ амал қилса, кучли тарғибот йўли билан уни камайтириш мумкин.

Нафақат мансабдор шахслар, балки барча ота-оналарнинг таъсирини камайтириш учун мактабда кучли ўқитувчиларни кўпайтириш керак.

Директор ва унинг ўринбосарларини ҳар уч йилда ротация қилиш (алмаштириш)ни жорий этиш зарур.

Юқори ташкилотлар ўзларининг расмий мавқеидан фойдаланиб келади, акс ҳолда уларни “позвоночники” деб аташади. “Қўнғироқ орқали илтимослар” таъсирини орқали таъсирни йўқотиш учун амалда таълим тизимининг мустақиллигини таъминлаш керак.

Коррупция илдизи билан йўқ қилиниши зарур. Коррупцияга қўл урган ходим мактаб ички муҳитининг бузилишига олиб келиши муқаррар.

ХУЛОСАЛАР:

1. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг тахминан 40-50 %и “касбий ҳалоллик” тушунчасини барча ўқувчиларга тенг ва холис муносабат сифатида қабул қилади, 20 %и эса ҳалолликни ўқитувчи зарур ўқув материаллари (дарсликлар ва/ёки жиҳозлар) йўқлигига қарамай, имкон қадар жон куйдириб дарс беришида деб билади. Биргина Сурхондарё вилоятидаги ўқитувчиларнинг 24 %и ҳалолликни касбий масъулият, деб тушунади.
2. Ота-оналарнинг 30 %и ҳалоллик ўқитувчи ўз касбий вазифаларини тегишли материаллар ва ўқув қўлланмаларисиз энг яхши тарзда бажарганида намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Ота-оналарнинг атиги 10-15 %и ҳалоллик касбий масъулият билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Бу ўқитувчилар учун касбий этика қоидаларига риоя қилиш учун зарур шарт-шароит яратилмаганлигини, ота-оналар ўз фарзандларининг дарсларни ўзлаштиришига ва тўғри юриш-туриши учун жавобгарлик нуқтаи назаридан ҳуқуқий саводхонлиги пастлигини, директорлар ҳам ўқитувчига, ҳам ўқувчига, ҳам ота-оналарга таъсир кўрсатишнинг аниқ ҳуқуқий механизмига эга эмаслигини кўрсатади.
3. Ўрнатилган ижтимоий меъёрлар ҳар уч томонда ҳам этикага зид хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ одатий хатти-ҳаракатларни қораламайди ёки очиқчасига эътироз билдирмайди. Ота-оналар, ўқитувчилар ёки директорлар аллақачон одатий бўлиб кўринадиган тажриба туфайли ўрнатилган тизим ва меъёрларга қарши чиқмайди. Шундай қилиб, ҳар уч тоифа ҳам фақат қонунчилик ёки мактаб низомига ахлоқ кодексини киритиш билан бартараф этиш қийин бўлган изчил амалиётлар орқали этикага зид хатти-ҳаракатларнинг нисбий қонунийлигини мустаҳкамлайди.
4. Ота-оналарнинг ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, уларнинг ташқаридан назорат қилиш ёки ота-оналар томонидан фаол рағбатлантириш шаклида, этикага зид хатти-ҳаракатларни одатий амалиёт сифатида қабул қила бошлаган болалар хотирасида мустаҳкам ўрнашиб кетиши мумкин, бу эса ҳозирда ва келажакда ҳам коррупция хавфи ва ноҳалолликнинг олдини олишни анча қийинлаштиради. Бу ҳам ўқитувчилик касбининг нуфузини пасайтирувчи яна бир омилдир.
5. Мактаблар ота-оналарнинг ёрдамига молиявий қарамлиги ота-оналарнинг ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг қарорларига таъсир қилишига сабаб бўлади ва бу ҳар томонлама коррупцион ва этика қоидаларига зид хатти-ҳаракатларнинг омили ҳисобланади.

6. Мактабга қабул қилиш қарорига босим ёки таъсир кўрсатиш ҳақида гапирганда, директорларнинг аксарияти бундай таъсир рад этиш қийин бўлган илтимос эканлигини таъкидлади. Кўпгина директорлар таълим тизимига ва болани 1-синфга қабул қилишни тартибга солувчи процессуал қоидаларга ишонсизликни бартараф этувчи директорнинг мутлақ (юқори даражадаги ихтиёрийлик билан) қарорига юқори даражадаги ишончни таъкидлади. Ўз кучини, ва айна пайтда ўрни ва ижтимоий

масъулиятини англаган ҳолда, директорлар камдан-кам ҳолларда болани мактабга қабул қилишдан бош тортишлари мумкин. Болани 1-синфга қабул қилишда таълим тизимига ишонсизлик ва директорнинг ваколатлари ва имкониятларига ишониш ота-оналар ва директорлар, баъзан эса қабул комиссияси аъзоларининг ахлоқий ва коррупциявий хатти-ҳаракатларини қўзғатувчи муҳим омил ҳисобланади.

ТАВСИЯЛАР:

1. Очиқ маълумотларнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда Халқ таълими вазирлиги ва унинг соҳадаги таркибий бўлинмаларидан бошлаб, ҳар бир мактабгача бўлган фаолиятнинг (қабул қилиш, ўқитишни ташкил этиш жараёни, аттестация, ҳисобот бериш жараёни) шаффофлигини максимал даражада ошириш. Бундай лойиҳалар дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, яқинда Арманистонда ҳам амалга оширилганини мисол келтириш мумкин.
2. Тегишли қоидалар ва тартибларда мустаҳкамланган касбий ҳалоллик қадриятлари ва меъёрларини амалда қўллашни ўз ичига олган кенг

қамровли ҳалоллик тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш (Этика кодекси, ахлоқий меъёрларга риоя қилиш бўйича илғор тажрибалар ва бошқалар);

- Ҳар йили янгиланадиган режа асосида ноҳалолликни баҳолаш, мониторинг қилиш ва олдини олиш;
- Ҳар йили янгиланадиган режа асосида ноҳалолликни мониторинг қилиш, ҳабардор қилиш ва тақиқлаш;
- Этика етакчилари тарзида раҳбарият томонидан қўллаб-қувватлашни ва ҳалолликнинг барқарор амалиётини таъминлаш.

3. Умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик ва ота-оналарнинг кенг доираси, манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар иштирокида жамоатчилик экспертизасини ўтказиш; Ота-оналар, мансабдор шахслар ёки давлат сектори ташкилотларининг болаларни 1-синфга киритиш учун босим кўпинча мактабларда синфларнинг тўлиб кетишга олиб келади, айниқса, ота-оналар бу ҳолатни юқори сифатли таълим берадиган мактабларда кузатилади деб, ҳисоблайди.

4. Педагогик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, касбга бўлган табиий салоҳиятини аниқлаш асосида шаффоф танлаб олишни таъминлаш, таълим соҳасида амалий машғулотлар улушини ошириш, бўлажак ўқитувчиларда ҳалоллик ва юксак мартаба билан фахрланиш кўникмаларини мустаҳкам шакллантириш.

5. Таълим жараёнининг этика қоидалари, мактаб ходимларининг касбий этикаси, ота-оналарнинг тизимга нисбатан ишончсизлигини бартараф этиш учун, ота-оналарнинг умумий ўрта таълимнинг

барча бўлинмалари фаолиятида кенг ва фаол иштирокини таъминловчи янги ахборот технологиялари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ота-оналарнинг ўз ролини яхшироқ тушунишлари учун ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлашни тубдан янги платформада ташкил этиш.

6. Бундай хатти-ҳаракатларни тузатиш, олдини олиш ва йўқ қилиш учун жараённинг барча иштирокчилари (ХТВ, унинг бўлинмалари ва мактаблар ичида) учун ҳалол бўлмаган ёки этикага зид хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилиш ва тақиқлаш тизимини яратиш имкониятини кўриб чиқиш.

МАКТАБ ХОДИМЛАРИНИНГ МАОШИ


Сўнги йилларда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва ходимларининг иш ҳақини ошириш ва моддий рағбатлантириш бўйича турли даражадаги кўплаб ҳужжатлар эълон қилинди, уларда ўсиш ҳажми ва уларни тўлаш шартлари кўрсатилган. Ҳар бир ҳужжатда ўқитиш ставкасидаги соатлар сони (юк соатлари) белгиланади ва улар доимо ўзгариб туради.

Иш ҳақи миқдори ва уларни тўлаш шартларининг тез-тез ўзгариши иш ҳақи миқдорини ставкалар ва малака тоифаларига нисбатан ноаниқ тушунишга олиб келди.

Юқоридагиларнинг барчаси тушунмовчиликлар ва талқинларни юзага келтирди, шаффофликнинг йўқлиги эса жараёни янада оғирлаштирди. Шу сабабларга кўра, респондентларнинг уч тоифаси ҳам ўқитувчиларнинг маошидан норозилигини билдирган.

Ўқитувчиларнинг таълим тизимидаги камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалари орасида биринчи ўринда иш ҳақининг пастлиги, моддий рағбатлантириш ва ставка бўйича иш ҳақини ошириш талаби бўлди.

РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАОШНИ ОШИРИШ, СТАВКА БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ, МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДА ФИКРИ:



Ўқитувчиларнинг 45,5%и иш ҳақининг пастлиги туфайли қўшимча ишга мажбур бўлаётганини тасдиқлади. Ўқитувчиларнинг 26,3%и ота-оналарнинг фарзандлари билан алоҳида тўлов эвазига ўқитиш таклифига рози бўлишларини қайд этди.

Ўқитувчиларнинг 40 %и норасмий тўловлар сабабини паст маошда деб кўришмоқда.

Ота-оналарнинг учдан бир қисми мактаб тизимидаги норасмий тўловларнинг сабабини ишчиларнинг паст маоши, деб ҳисоблайди.

Директорларнинг 23%и ўқитувчиларнинг ҳам, директорларнинг ҳам маоши паст, ўқитувчилар яхши маош олса, дарслар кучли, таълим сифати юқори бўлади, деб ҳисоблайди.


Бухоро вилоятидан қабул қилинган изохлардан бирида директор 2,5 миллион сўм маош йўл харажатларига сарфланаётганини қайд этади. Яна бир изох шуни кўрсатадики, мактабларда таълимнинг тарбиявий компонентини кучайтириш учун кўпроқ эркак ўқитувчилар талаб қилинади.

РЕСПОНДЕНТЛАР ТАКЛИФЛАРИ:

Таълим сифатини ошириш ва ўқитувчиларнинг мавқеини кўтариш учун, биринчи навбатда, иш ҳақини ошириш, ставкалар бўйича иш ҳақини қайта кўриб чиқиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, турли ҳисобот ва режалар кўринишидаги қоғоз бюрократиясини камайтириш керак, деб ҳисобланмоқда.

Таълим тизимида бюджетдан ташқари тўловларга қарши

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ОЙЛИК МАОШЛАРНИ ОШИРИШ, СТАВКАСИНИ ҚАЙТА КўРИБ ЧИҚИШ, МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ БўЙИЧА ТАКЛИФЛАРИ:



курашиш учун 51,5% ўқитувчилар ҳам иш ҳақини оширишни таклиф қилмоқда. Машаққатли меҳнатни инobatга олган ҳолда фаррош аёлларнинг ойлик маошларини ошириш, бу орқали эса ота-оналарнинг фаррошлик учун бюджетдан ташқари тўловларини камайтириш тарафдори бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Республика бўйича сўровда қатнашган ота-оналарнинг 21%ининг фикрича, мактабларда касбий этика қоидаларини ошириш мумкин, шунингдек, мактаб маъмурияти ходимлари ва ўқитувчиларнинг моддий қўллаб-қувватлашни (иш ҳақи ва ошириш, шу жумладан, уларга ижтимоий

кафолатлар (ижтимоий суғурта, ижтимоий имтиёзлар) бериш орқали ҳам яхшилаш мумкин. Бундай жавобларнинг энг юқори фоизини Навоий вилояти – 40,5 %, Сурхондарё вилояти – 28 %, Тошкент шаҳри – 27 %ни ташкил этган.

Ота-оналарнинг учдан бир қисми мактаб таълимида бюджетдан ташқари тўловларга қарши курашиш мақсадида ўқитувчиларнинг иш ҳақини оширишни таклиф қилмоқда. Директорларнинг тўртдан бир қисми ҳам ўқитувчиларнинг юқори маоши бюджетдан ташқари тўловларни камайтириш ечими бўлади, деб ҳисоблайди.

ХУЛОСАЛАР:

1. Сўровда қатнашган ўқитувчиларнинг ярми қўшимча равишда ишлашлари кераклиги таъкидланган, бу эса уларнинг асосий иш сифатига жиддий таъсир қилади. Ўқитувчиларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи иш ҳақининг пастлиги сабабли ота-оналар томонидан норасмий моддий рағбатлантиришга рози. Бу коррупция ва касбий ҳалоллик учун хавф омили бўлган ўқитувчилар ва ота-оналарнинг этикага зид хатти-ҳаракатлари учун майдон яратади.
2. Кам иш ҳақи ўқитувчиларнинг жамиятдаги муносиб мавқеини таъминламайди, уларнинг меҳнат харажатларига ва реал бозор нархларига мос келмайди, бу эса ишда иштиёқсиз ишлашга олиб келади, шунингдек, мактаб

ишчиларини кўпинча бюджетдан ташқари тўловларни қабул қилишга ундайдиган ушбу хавф омили таъсирининг кучайишига сабаб бўлади. Бу, айниқса, ойлик маошлари кам бўлганлиги сабабли мактаб таълимида эркак ўқитувчиларнинг кам бўлишига олиб келмоқда, чунки ўқитувчиларнинг маоши уларга оиласини боқишга имкон

3. Доимий ўзгаришлар, ставкалар ҳажмини ҳисоблашнинг мураккаб ва шаффоф бўлмаган тизими, ставкаларни тўлашнинг турли шартлари норозилик, тушунмовчилик, келишмовчилик, ишончсизликка олиб келади ва натижада ўқитувчилар қўшимча даромад манбаларини излашга мажбур бўлади, бу коррупция хавфи ва ноҳалоллик омилларининг таъсирини оширади.

ТАВСИЯЛАР:

1. Таълим сифатини ошириш ва мактабларга юқори малакали кадрларни жалб қилиш учун иш ҳақини сезиларли даражада ошириш таклиф этилмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий менталитетга кўра, тарбиявий компонентга ижобий таъсир кўрсата оладиган, юқори малакали эркак ўқитувчиларни ҳам жалб қилишга ёрдам беради.
2. Мактаб ўқитувчисининг жамиятдаги нуфузини оширувчи муҳим таркибий қисмлардан бири бу – унинг молиявий ҳолати ҳисобланади. Бу ҳолат мактаб ўқитувчиларининг иш ҳақини иқтисодий ва ижтимоий воқеликлардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади. Шу муносабат билан тизимда ишлашга юқори иштиёқни ва ўқитувчининг жамиятдаги юксак мавқеини таъминлаш мақсадида хорижий давлатлар

тажрибасини инобатга олган ҳолда иш ҳақи ва ставкаларни шакллантириш бўйича инклюзив тадқиқот ўтказиш, шунингдек, берилган шарҳларга кўра, ҳозирги даражадаги маошларнинг камлиги, ўқитувчиларни яхши шароитда муносиб яшашлари учун, муқобил даромад манбаларини излашга мажбур қилмоқда, бу эса коррупция хавфи ва ноҳалолликка олиб келади.

3. Пул тўловларининг шаффофлиги ва аниқ талқин қилиниши учун ўқитувчиларнинг ставкаларини ҳисоблашни соддалаштириш ва барқарорлигини таъминлаш.
4. Педагогик ставканинг бошланғич ва юқори синфлар кесимида, иш ҳақи ва соатлар сонини ставкаларнинг барқарорлигини таъминлаган ҳолда тартибга солиш.

Ушбу брошюра “Ўзбекистонда биринчи антикоррупция лабораторияларини яратиш” лойиҳаси доирасида “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения)нинг молиявий ва экспертлик кўмагида тайёрланди.

Кўшимча маълумотлар учун мурожаат қилинг:
Людмила Стайшюнайте, лойиҳа менеджери
E-mail: l.stayshyunayte@gmail.com

